

**ТЎЛИҚ ОМИЛЛИ ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА АНИҚЛАНГАН  
ПАРАМЕТРЛАРНИ ПАХТАНИ МАЙДА ИФЛОСЛИКЛАРДАН  
ТОЗАЛАГИЧНИНГ ҚИЯЛИК БУРЧАГИНИ КЎРСАТКИЧЛАРГА  
ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ**

**Хасанов Улуғбек Ортиқович**

Юқорида таъминлаш тизимини ўзгартириш, яъни пахтани титкилашни амалга ошириш билан тозалаш самарасини оширишга эришилди. Кўп омилли тажрибалар асосида тозалаш самарадорлигига таъсир этувчи асосий параметрлар аниқланди ва ушбу параметрларни ускунада созлаган холда машинанинг қиялик бурчакларини ўзгаришида самарадорликка таъсирини таҳлил қилиш учун қуйидаги тажрибаларни ўтказилди. Тажрибаларни ўтказишда ускунанинг қия бурчагини  $10^0$ ,  $30^0$ ,  $50^0$  га ўзгартирилди. Ускунанинг қиялик бурчагини ўзгаришини тозалаш самарасига ва чигитнинг механик шикастланишига таъсири аниқланди.

Тажрибаларни ўтказишда С-6524 селекция навли юқори ва пастки саноат навли пахталардан фойдаланилди, бунда пахталарнинг лабораторияда аниқланган дастлабки кўрсаткичлари қуйидагича: I-саноат навли, 2-синфли, намлиги 8,2 % ни, умумий ифлослиги 5,6 % ни ва чигитнинг механик шикастланиши 1,2 % ни, IV-саноат навли, 2-синфли, намлиги 10,8% ва умумий ифлослиги 12,6 % ни, чигитнинг механик шикастланиши 1,8 % ни ташкил этди.

Тажриба натижалари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ускунанинг қиялик бурчагини тозалаш самарасига таъсири,

## I-саноат навида

Қиялик бурчаги, градус	Тозалаш самараси, %			Ўртача миқдори	Чигитнинг механик шикастланишининг ошиши, %
	1	2	3		
10	56,5	55,8	56,6	56,3	0,4
30	60,6	61,0	60,8	60,8	0,3
50	50,8	49,6	50,8	50,4	0,8

Юқоридаги тажрибалардан кўриниб турибдики, усқунанинг қиялик бурчагини ўзгариши тозалаш самарадорликка таъсир этмоқда. Бунда бурчакнинг 10<sup>0</sup> да тозалаш самарадорлик 56,3 % ни ташкил этган бўлса, 30<sup>0</sup> да 60,8 % ни ташкил этиб, қиялик бурчакни 50<sup>0</sup> га ўрнатилганида 50,4 % ни ташкил этиб, тозалаш самарасини қиялик бурчагининг 30<sup>0</sup> дан сўнг ошириб борилиши тозалаш самарасини камайишига ва чигитнинг механик шикастланишини ошишига олиб келди.

Усқунанинг қиялик бурчагини 50<sup>0</sup> га ўрнатилганида пахта хомашёсининг юқorigа кўтарилиши қийинлашганлигини барабанларнинг тиқилиб айланишини кузатишимиз мумкин ва бу ҳолатида пахталарнинг тўрли юза билан алоқанинг камайишидан деб изоҳлашимиз мумкин. Тиқилишлар ва қозикларнинг урилиши, чигитнинг механик шикастланишини ортишига олиб келди.

Шундай қилиб, усқунанинг қиялик бурчагини 30<sup>0</sup> да тозалаш самарадорлиги 60,8 % ни ташкил этиб, бошқа тажриба вариантларига нисбатан юқори эканлиги аниқланди.

Тажрибаларни IV-саноат навли пахталарда амалга оширилганда куйидаги кўрсаткичлар аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Усқунанинг қиялик бурчагини тозалаш самарасига таъсири,

## IV-саноат навида

Қиялик бурчаги, градус	Тозалаш самараси, %			Ўртача миқдори	Чигитнинг механик шикастланишининг ошиши, %
	1	2	3		
10	49,8	50,0	50,6	50,1	1,1
30	52,6	52,0	51,8	52,1	1,0
50	47,5	47,6	46,8	47,3	1,1

IV-саноат навида пахталарда ўтказилган тажриба натижаларидан кўринадикки, ускунанинг қиялик бурчагининг 30<sup>0</sup> дан оширилганида пахтанинг юқорига чиқишида тўрли юза билан ишқаланиши камайиб, тозалаш самарасини ҳам камайишига олиб келди. Бунда қиялик бурчагининг 30<sup>0</sup> да тозалаш самараси 52,1% бўлган бўлса, 50<sup>0</sup> да 47,3% га тушганини кўрамиз. Чигитнинг механик шикастланишини ошишида деярли фарқ қилмади.

Ўтказилган тажрибалардан сўнг майда ифлосликлар билан пахтани қия тозалаш ускунасининг қиялик бурчагини 30<sup>0</sup> га қотирилди ва ЧХ-5 (ПТМ) русумли пахтани йирик ифлосликлардан тозалагичини қия тозалагичнинг тагига ўрнатиш учун, қия тозалагични рамага кўтариб маҳкамланди ва йирик ифлосликдан тозалагичи билан қўшилиши учун оралик тарнов тайёрлаб ўрнатилиб тозалагичлар тизимини синов ишларига тайёрланди (1-расм).



1-расм. Пахтани майда ифлосликлардан қия тозалаш ускунаси (1) билан ПТМ русумли (2) йирик ифлосликлардан тозалаш ускунасига пахта ўзатувчи тарновини ўрнатиш жараёни.